

**Судланувчининг қасдан одам ўлдириш билан боғлиқ ҳаракатлари безорилик туйғулари билан содир этилган деб нотўғри хулосага келинганлиги ҳамда инсонпарварлик ва одиллик принципларига амал қилинмаган ҳолда оғир жазо тайинланганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 2 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 5 сентябрдаги ҳукмига асосан Т. 2008 йил 15 май куни соат 22 ларда савдо дўконида М. билан олдиндан бўлган қарзи бўйича тортишиб, М.нинг юз соҳасига бир неча марта уриб уйига кетиб қолган.

Шу куни М. Т. яшаш хонадонида бўлганида уйининг орқа томонига келиб, уни уятли сўзлар билан ҳақоратлаган, шундан сўнг Т. М.ни қасдан ўлдириш мақсадида уйдан пичоқ олиб чиқиб, қулай пайт пойлаб савдо дўконида 4 метрлар чамаси узокроқда турган М.нинг орқа томонидан келиб, орқа кўкрак қафаси соҳасига пичоқ билан 2 маротаба уриб қасдан одам ўлдирганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «л» банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **“Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 16-бандида безорилик оқибатида қасдан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан (Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уриш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозим. Агар уриш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайриҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги назарда тутилган.

Бироқ суд ишни кўришда юқорида қайд этилган Олий суд Пленумининг талабларига амал қилмаган.

Т. дастлабки тергов ва судда 2008 йил 15 май куни савдо дўконига кираётганида М. унга гап отганлиги, у индамасдан дўконга кирганлиги, М. ҳам дўконга кириб яна гап отиб, қизларни “Тико” автомашинасига миндириб беришини айтганлиги, у шунда бу қизлар унинг синглиси ва хотини эканлигини айтганлиги, шу ерда иккаласи тортишиб мушглашганликлари, одамлар уларни ажратиб қўйишганлиги, шундан кейин у уйига кетганлиги, орадан 20 дақиқалар ўтгандан сўнг М. уйининг орқа томонидан келиб, уни ҳар хил уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, унинг ҳақоратларига чидай олмасдан пичоқни олиб М.нинг орқасидан бориб, унга икки марта пичоқ урганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, М. савдо дўконига Т. билан сабабсиз жанжаллашган, кейинчалик спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда Т.нинг уйи ёнига келиб, уни яна ҳақоратлай бошлаган, натижада Т. М.нинг ножўя хатти-ҳаракатлари оқибатида уни қасддан ўлдирган.

Биринчи инстанция суди Т.нинг жабрланувчи томонидан бошланган уриш-жанжал натижасида уни қасддан ўлдиришини безорилик туйғулари билан содир этган, деб ногўғри хулосага келган.

Бундан ташқари, суд Т.га нисбатан жазо тайинлашда, муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлиги, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди бўлиб, оилада ягона боқувчи эканлигини, шунингдек, жиноят жабрланувчининг ножўя хатти-ҳаракатлари натижасида содир этилганлигини инобатга олмасдан бирмунча оғир жазо тайинлаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2009 йил 23 апрелда Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, Т.нинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта

квалификация қилиб, унга Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилади.

***Назорат иши ЖСХ-64-09***